

УЎТ: 631.879.4;633.633.3/37

АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИДА КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЎТМИШДОШ ЭКИНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

¹Мамадиёров Фарход Дониёрович - к/х.ф.ф.д. (PhD); ²Қурбонов Миржалол - б.ф.ф.д. (PhD); ²Гафурова Лазиза Акрамовна - б.ф.д, профессор; ³Аралова Минаввар Номоз қизи - асистент, , E-mail: qxt_325@mail.ru

¹Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институти. Қарши ш. Ўзбекистон.

²Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Тошкент ш. Ўзбекистон.

³“ТИҚҲММИ” Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти. Қарши ш., Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилояти шароитида гўза ва ғалла алмашлаб экши тизимида маҳаллий ўғитларни қўллаш, тақорорий ва оралиқ экинларни экши орқали кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини оширишида аҳамиятли эканлиги баён этилган. Кузги буғдойнинг фенологик ва биометрик қўрсатгичлари қайд этилиб, вариантлар бўйича бир-биридан фарқи сезилган. Маҳаллий ўғитлардан фойдаланиши, тақорорий, оралиқ ва ҳамкор экинларни экши кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига ижобий таъсир этиши ишботланган.

Калит сўзлар: кузги буғдой, ғўза, алмашлаб экиш, ўғит, ўсимлик, тақорорий экин, оралиқ экин, алмашлаб экиш, ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорлик.

Abstract. In the article, it is stated that in the conditions of Kashkadarya region, it is important to increase the growth, development and productivity of winter wheat through the use of local fertilizers, repeated and intermediate crops in the cotton and grain rotation system. The phenological and biometric indicators of winter wheat were recorded, and differences were noticed among the variants. It has been proven that the use of local fertilizers, repeated, intercropping and intercropping have a positive effect on the growth and yield of winter wheat.

Key words: winter wheat, cotton, crop rotation, fertilizer, crop, repeat crop, catch crop, crop rotation, growth, development, yield.

Кириш. Бугунги кунда ер юзида 1,6 млрд гектар сугориладиган майдонда дехқончилик қилинади. Шундан 14% майдонда буғдой етиширилиб, 780 млн. тонна атрофида дон ҳосили олинган. Бу микдор бугунги кундаги 7,4 млрд аҳоли сонини дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлайди. Аммо кейинги йилларда аҳоли сонининг ортиши муносабати билан қишлоқ хўжалигида кўп микдорда маҳсулот етиширишни тақозо этади. Шунингдек, Канада, Аргентина ва МДХ давлатларида сугориладиган майдонларда олиб бориладиган узок муддатли алмашлаб экиш тизимида ғалла экинларидан барқарор дон ҳосили олишга эришилмоқда.

Ўтмишга қайтадиган бўлсак, Мовароуннахрда ўрта асрларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг унумдорлигини саклаш бўйича ўзига хос алмашлаб экиш тизими жорий этилган. Бундай алмашлаб экиш тизимида экин майдонлари икки йил муддатда захирага ушланиб, бир йил дон етишириб олиш бўйича тадбирлари олиб борилган [8]. Хозирги кундаги алмашлаб экиш тизимида, тупроқда ҳаводан озиқ моддалар ўзлаштирувчи экинларни экиш, ўсимлик қолдиқларини тупроқда қолдириш (12-16 йиллик ротацияли алмашлаб экиш) каби тадбирларни ўз ичига олади. Бундан ташқари аҳоли истеъмолида ҳосил бўладиган чиқиндилардан органик ўғитларнинг янги маҳаллий шаклларини тайёрлаб, барқарор ҳосил олиш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда.

Кейинги йилларда Республикаизда сугориладиган майдонлар 3,4 млн. гектарни ташкил қилиб, асосан ғўза ва ғалла экинларини экиш ва етишириш амалга оширилган. Қишлоқ хўжалигида кўпгина ҳолларда алмашлаб экиш тизимида пахта ҳосилдорлигини оширишга

қаратилган тадбирлар амалга оширилган бўлиб, ғалла экинларидан ҳосил олиш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу боис алмашлаб экиш тизимида ғалла экинларидан мўл ва сифатли дон ҳосилини етиштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот обьекти ва усуллари. Кузги буғдой ҳосилдорлигини оширишда биологик усулдаги агротехник тадбирларни Жанубий дехқончилик илмий тадқиқот институтининг марказий тажриба майдонида олиб борилди. Тадқиқот худуди тарихий манбаларда географ олим Истахрий таъкидлашича Шуллуктепа (Хозирги Қашқадарё ўрта оқимининг жанубидаги шаҳар) шахристони атрофида асосан лалми дехқончиликка ихтисослашган серунум ерлар ва турли хил экинлар етиштирилган деб таъриф берилган [13]. Тадқиқот худуди денгиз сатҳидан 340 метр баландликда, $33,31315^0$ шимолий кенглика, $65,53181^0$ шарқий узунликда жойлашган. Тупроқ қоплами ўтлоқи бўз тупроқ бўлиб, чиринди ва озиқа моддалар билан кам даражада таъминланган. Сизот сувлари сатҳи $4,5-5$ метр, иқлими кескин континентал, октябрда ҳаво ҳарорати $+15,1^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик $41,5\%$, шамол тезлиги 2 м/сек , ноябрь ва январ ойларида ҳаво ҳарорати ўртачаси $+6,9^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик $72,7\%$, шамол тезлиги 3 м/сек , феврал ва апрел ойларида ҳаво ҳарорати ўртачаси $+11,8^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик $62,7\%$, шамол тезлиги 3 м/сек , май ойида ҳаво ҳарорати $+23,9^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик $45,4\%$, шамол тезлиги 4 м/сек .ни ташкил қиласи (Қарши метеостанция маълумотлари).

Ғўза ва ғалла навбатлаб экиш тажриба тизимида кузги буғдойнинг “Фозғон” нави экилган. Кузги буғдой ҳосилдорлиги [1,2,4,5] умум қабул қилинган услублар асосида аниқланди.

Кузги буғдой уруғларнинг дала унувчанлиги. Юқоридаги талабларга биноан, кузги буғдой дони йиллар давомида тегишлича, 24; 28; 26 ва 27 октябрда пахта ҳосили йигиб олингандан кейин, 4,5 млн. (200 кг/га) дона унувчан уруғ (1000 дона/44,5; 43,8; 44,5 гр) ҳисобида экилди ва уруғни ундириб олиш учун суғориш ва агротехник тадбирлар амалга оширилди (24-29 октябр).

Кузги буғдой тадқиқот йиллари (2018-2022) суткалик ўртача ҳаво ҳарорати $9,8-12,9^{\circ}\text{C}$ ташкил этганлиги, уруғларнинг 10-13 кунда тўлиқ униб чиқиши кузатилди. Экилган уруғларнинг ўниб чиқиши таҳлил қилинганда варианtlар бўйича ўсимликлар сони ҳисобланганда 383,9-391,9 дона ёки 85,3-87,1% оралиғида бўлганлиги аниқланди.

Тупроққа органик ўғитлар қўланилганда ёки кўп микрородаги ўсимлик қолдиғи мавжуд бўлганда, тупроқда биологик, агрокимёвий ва агрофизик хоссалари яхшиланади. Шунингдек, органик қолдиқларнинг аэроп микроорганизмлар фаолияти таъсирида парчаланиши туфайли тупроқда CO_2 гази микрори кўпаяди. Бу тупроқнинг иссиқлик хоссаларини нисбатан яхшилайди. Қолаверса, тупроқнинг нам сақлаши маълум муддатга узайтириши кузатилади [9]. Тупроқнинг бундай хоссалари куз мавсумида экилган кузги буғдой уруғлари униб чиқиши микрорини оширади ҳамда тазлаштиради. Олиб борилган дала тадқиқотларимизда 10 т/га гўнг қўлланилиб, кузги буғдой экилган 4-вариантда, уруғларнинг унувчанлиги (391,9 дона ёки 87,1%) ни ташкил этиши бошқа варианtlарга нисбатан 1 кун олдин униб чиқиши аниқланди.

Таъкидланишича, бир майдонга муттасил буғдой экилганда, илдиз тизими орқали тупроққа биологик фенол бирикмаси ажратиб чиқаради. Бу тупроққа йиллар давомида тупланиши тупроқнинг чарчаş аллелопатияси кузатилади [10]. Бунда, монакультура экин йилдан-йилга экилганда униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиш даражаси пасайиши кузатилади.

Шунингдек, бизнинг олиб борган тадқиқотимизда тажриба тизимида кузги буғдой монокультурасини ташкил этган назорат 3-вариант (Буғдой: Буғдой: Буғдой) да, уруғларнинг униб чиқиши йилдан йилга пасайиши кузатилди. Натижада йиллар давомида, тегишлича 85,6; 76,9; 71,7 ва 65,1% ни ташкил этиши аниқланди. Аксинча, тажриба тизимида варианtlарда тупроқда ўсимлик қолдиқлар кўп қолишини таъминлаш ташкил этилган агротадбирлар тизимида варианtlарда йиллар давомида, тегишлича 80,1-81,6; 82,7-84,9 ва 79,4-85,2% ни ташкил этиши аниқланди. Ғўза – ғалла навбатлаб экиш тизимида 1-вариантда ургларнинг унувчанлиги 80,8 фоизни ташкил этиши аниқланди.

Кузги буғдой ўсув даврининг ўтмишдош экинларга боғлиқлиги. Ҳаво ҳароратининг пасайиши, ёруғлик кунларининг қисқариши билан кузги буғдойнинг ривожланши секинлашади, аксинча узайиши билан ривожланиши тезлашади, ўсув даври қисқаради. Бундан ташқари кузги буғдой тупроқ-икълим шароитидан келиб чиқиб, ҳамда экишда қўлланилган агротехник тадбирлар таъсирида эртачи ёки кечки муддатларда униб чиқади.

Тадқиқот натижаларига қўра тадқиқотнинг биринчи йили уруғларнинг униб чиқиши тажриба тизимининг 10 т/га гўнг қўлланилган 4-вариантида назоратга нисбатан ўрта ҳисобда 1 кун олдин ёки 10 кунда кузатилди. Қолган варианtlар ўртасида уруғларнинг унувчалигига қескин фарқ кузатилмади. Буғдойнинг туплаш, найчалаш даврлари ҳам олдин кечганлиги аниқланди. Уруғнинг униб чиқиши биргина об-ҳаво шароитига боғлиқ бўлмайди, балки тупроқ икълим шароитига ҳам боғлиқдир. Шунингдек, яхши ўтмишдош экин тури ҳам уруғларнинг униб чиқишига ижобий таъсири қиласи. Шунинг учун тадқиқот олиб бориша дала тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот йилларида (2018-2022 й.й.) кузги буғдой экилиб, сугорилгандан сўнг 10-12 кунда тўлиқ униб чиқиши кузатилди. Ўсимликларнинг йиллар давомида варианtlар орасида униб чиқишдан туплашгача 28-33 кунни, найчалашгача 127-133 кун, бошоқлаш давригача 157-161 кунни, гуллаш давригача 163-168 кунни, сут пишиш давригача 186-193,8 кунни, мум пишиш давригача 195-203 кунни ташкил этиши кузатилди.

Уруғ экилгандан кейин тўлиқ пишиб етилгунга қадар ўсув даври тадқиқот олиб борилган йилда варианtlар бўйича тегишлича 211-212,8; 209,4-213,5; 208,5-214 ва 207,5-214,8 кун оралиғига бўлган ҳолда варианtlар орасида фарқлар кузатилди (1, 2, 3 ва 4-расмлар). Варианtlар орасида кузги буғдой монокультура назорат 3-вариант (Буғдой: Буғдой: Буғдой) да ўсув даври тегишлича, 211,3; 209,4; 208,5 ва 207,5 кунни ташкил этиб, йилдан-йилга камайиши кузатилди. Бунда кузги буғдойнинг муттасил экилиши сабабли тупроққа салбий аллелопатик таъсири натижасида ўсимликлар мажбуран эртачи пишиши ҳамда қуруқ модда тўплаши камайиб, дон тўлиши меъёрида бўлмаганлиги кузатилди.

Ўсимликларда дон тўлиши эртачи муддатда бошланса, жанубий минтақаларда ҳаво ҳароратининг қескин ошиб кетиши давригача маълум даражада қўшимча қуруқ модда тўплайди. Шу билан бирга дон сифати ва ҳосилдорлик бир мунча ошади. Шунингдек, тажриба тизимда кузги буғдой экилгандар орасида ҳар йили 10 т/га гўнг қўлланилган буғдой + мош + хантал: ғўза: тизимидағи 4-вариантда ўсув даври 114 кунни ташкил этиши ёки назорат 1 ва 3 варианtlарга нисбатан 2016-2017 йилларда тегишлича, 1,8; 0,5 кунга, 2018-2019 йилларда 4; 65,5 кунга кунга узайганлиги кузатилди.

Тажрибадаги буғдой + мош + хантал: ғўза: буғдой + мош + хантал: ғўза: тизимидағи 5-вариантда ўсув даври назорат 1 ва 2 варианtlарга нисбатан 2018-2019 йилларда тегишлича, 3; 4,5 кун ҳамда ғўза: буғдой + мош + хантал: ғўза: буғдой + мош + хантал: тизимидағи 9-вариантда, назорат 3-вариантга нисбатан 6; 7,3 кунга узайганлиги кузатилди.

Ғўза – ғалла навбатлаб экишда 6-вариант (буғдой + мош + жавдар: ғўза: буғдой + мош + жавдар: ғўза), 7-вариант (буғдой + макка + хантал: ғўза: буғдой + макка + хантал: ғўза), 8-вариант (буғдой + макка + жавдар: ғўза: буғдой + макка + жавдар: ғўза) ва 17-вариант (буғдой + мош + хантал: ғўза: буғдой + беда: арпа + беда) ларда назоратга нисбатан тадқиқотнинг 1-чи йилида ўсув даври бўйича фарқ кузатилмади. 3-йилга келиб, 6, 7 ва 8-варианtlарда 1- назорат вариантига нисбатан тегишлича, 2,3; 0,8 ва 0,5 кунга, назорат 3-вариантга нисбатан 3,8; 2,3 ва 2,0 кунга узайганлиги кузатилди.

Ғўза – ғалла навбатлаб экишнинг 2-йили 10-вариант (ғўза: буғдой + мош + жавдар: ғўза: буғдой + мош + жавдар:), 11-вариант (ғўза: буғдой + макка + хантал: ғўза: буғдой + макка + хантал:), 12-вариант (ғўза: буғдой + макка + жавдар: ғўза: буғдой + макка + жавдар:) ва 18-вариант (ғўза: буғдой + мош + хантал: ғўза: буғдой + беда:) ва 19-вариант (ғўза + мош: буғдой: ғўза + мош + буғдой + мош:) ларда орасида деярли фарқ кузатилмади. Аммо назорат 3-вариантга нисбатан тегишлича 3,8; 3,5; 3,9; 4,1 ва 3,7 кунга 4-йилда эса назоратга нисбатан 9, 10,11, 12 ва 19 варианtlарда тегишлича, 6,8; 5,5, 4,8; 2,8 кунга узайганлиги кузатилди.

Демак, ғўза – ғалла навбатлаб экиш тизимида, тақорий ва оралиқ әкинларни йил оша экиб, сидерат қилиш каби тадбирлар тупроқда ўсимлик қолдиқларини қўпайтиради. Бунда тупроқнинг агрокимёвий, агрофизик ва биологик хоссалари яхшиланади. Бундай тупроқлар ўсимликларнинг биотик ва абиотик омилларга чидамлилигини оширади.

Тадқиқотларда органик ўғитлар қўллаш, дуккакли әкинларни экиш ва уларнинг кўк массасини сидерат сифатида тупроққа киритиш орқали тупроқ унумдорлик хоссаларини яхшилаш билан бир қаторда дон ҳосилдорлигининг ошганлиги таъкидланган [1,6,7].

Гўза – ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги буғдой ҳосилдорлиги тадқиқот йиллари давомида энг юқори кўрсатгич 10 т/га гўнг қўлланилган 4-вариантда кузатилган бўлиб, тегишлича, 57; 60,2 ц/га, 1 ва 3-йилда энг юқори ҳосилдорлик 9-вариантда 55,3; 61,2 ц/га ни ташкил этиши аниқланди. Олиб борилган тадқиқотларда кузги буғдойнинг энг кам ҳосилдорликни ташкил этиши аниқланди. Буғдой:Буғдой:Буғдой тизимидағи назорат 3-вариантда, йиллар бўйича мос равишда, 56,9; 51,1; 48,5; 43,2 ц/га ни ташкил этиши аниқланди.

Хулоса. Суғориладиган тупроқ иқлим шароитларида ғўза ва ғалла навбатлаб экиш тизимида кузги буғдойга органик ўғитлар қўллаш билан бир қаторда тақорий экин сифатида дуккакли әкинлар, оралиқ әкин сифатида сидерат әкинлар яхши ўтмишдош эканлиги унинг ўсиб-ривожланишига ҳамда мўл хосил олишга имкон беради. Аммо, кузги буғдойнинг бир майдонга йиллар мобайнида тақорор экилиши унинг ўсиб-ривожланишига ва ҳосилдорлигига салбий таъсир этиши исботланди.

Тавсия. Жанубий минтақа шароитларида ҳар йили 10 т/га ҳисобида гўнг қўлланилиб, тақорий экин сифатида дуккакли әкинлар ва оралиқ әкинларни экиш ва сидерат сифатида тупроққа киритиш орқали кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш учун тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларни олиб бориш услублари. – Т.: ЎзПТИ, 2007. 132-139 б.
2. Доспехов Б.А. Методы полевого опыта – М.: Агропромиздат, 1985. – 255 с.
3. Минеев. В. Г., Дурынина. Е. П., Кочетавкин. А. В., Гомонова. Н. Ф., Грачева. Н. К., Соловьев. Г. А., Болышева. Т. Н., Савельев. И. Б «Практикум по агрохимии» Издательство МГУ.–М.–1989 г.–С.– 304
4. Методы агрохимических анализов почв и растений Средний Азия Издание 5-е . – Т.: 1977. 8-12 б.
5. Мамадиёров. Ф.Д. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар хоссаларига органик ўғитлар, дуккакли дон ва ем-хашак әкинларининг таъсири. Афтореф. Дисс.. к/х фалсафа фанлари доктори Тошкент-2022 15 бет.
6. Мамадиёров Ф.Д. Ўтмишдош әкинларнинг кузги буғдой дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсири / «Ўзбекистон республикасида бошоқли дон, ноанъанавий ва мойли ҳамда озиқа әкинларини инновацион технологиялар асосида етиштириш истиқболлари». Республика илмий-амалий конференция мақолалар тўплами – Андижон, – 2020. – Б. 236-240.
7. Марсель Брион. Менким, соҳибқирон – Жаҳонгир Темур. / Тошкент “Янги аср авлоди”, – 2021. – 572 б.
8. Раупова Н.Б., Содикова Г.С. Тупроқшунослик асослари. Тошкент-2016 йил. 116-125 бет
9. Орипов Р.О., Халилов Н.Х. Ўсимликшунослик. Тошкент-2006 йил. 44 бет.
10. Ртвеладзе Э., Сулаймонов Р., Буряков Ю., Саъдуллаев А., Мавлонов Ў. ва бош. / Қарши 2700/ Тошкент “Маънавият” 2010/ 360 бет.
11. Gafurova L.A., Mamadiyorov F.D., Ergasheva O.X., Makhkamova D.Y., Qurbonov M.M. The effect of the use of organic fertilizers, sowing legumes on the winter wheat yield and quality // Journal Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology – India, 2020. – Vol 21(41&42), ISSN: 0972-2025. – P. 73-79.